O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 17 YANVAR ◆ PAYSHANBA ◆ №8 (26.867)

**Олий Мажлиснинг мамлакатимиз икки палатали парламентини шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари юзасидан 2002 йил 27 январда референдум ўтказиш тўғрисидаги қарори ватандошларимизда катта қизиқиш уйғотди. Бу қарор жамиятимиз турли тоифа ва қатламлари, бутун халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.**

## РЕФЕРЕНДУМ — ХАЛҚ ИРОДАСИ ИФОДАСИ

Юртимиз фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда референдум ўтказиш йўли билан ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга экани Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Жумладан, Бош Қомусимизнинг 9-моддасида: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади», деб ёзилган.

Мамлакатимиз миқёсидаги бу муҳим сиёсий тадбир — бўлажак референдумни жаҳон андозаларига мувофиқ равишда ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар талаблари асосида юксак савияда ўтказиш бўйича кенг кўламли тайёргарлик ишлари давом этмоқда.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати маълум қилишича, аввало Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича 14 та референдум округи тузилган. Жойларда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларимизга мумкин қадар қулайлик яратиш мақсадида 7810 референдум участкаси тузилган, шундан 37 таси мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилган.

Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари таркиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси аъзолари кўмагида округ комиссияларида фаол иш олиб борилмоқда, ана шу комиссия аъзолари иштирокида турли учрашув, мулоқот ва амалий анжуманлар ўтказилаётир. Референдум ўтказувчи участка комиссиялари ишини ташкил этиш юзасидан Тавсиялар ишлаб чиқилган. Бу Тавсиялар алоҳида китобча шаклида чоп этилиб, референдум ўтказувчи барча округ ва участкаларга етказилган.

Референдум округларининг референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони ва референдум ўтказувчи округ комиссиялари жойлашган манзиллар рўйхатлари қонунда белгиланган муддатда республика матбуотида эълон қилинди. 13 миллиондан зиёд ҳамюртимиз овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилди. Айни пайтда референдум ўтказувчи участка комиссиялари жойларда овоз берувчи фуқаролар рўйхатларини ҳамма танишиши учун тақдим этишга киришди.

Қонунда референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда сиёсий партиялардан, фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга экани назарда тутилган. Бу эса, табиийки, референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда очиқлик ҳамда ошкораликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу жиҳатдан, бугунги кунда тегишли ташкилотлар, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларини рўйхатга олиб, уларга белгиланган тартибдаги мандатларни бериш ишлари ҳам фаол давом этмоқда. Шуниси эътиборлики, ҳозирга қадар МДҲ мамлакатлари ва АҚШ, Германия, Канада каби хорижий давлатлардан кузатувчилар референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда қатнашиш истагини билдирган.

Референдумни уюшқоқлик билан ўтказиш, шак-шубҳасизки, муайян ташкилий-тайёргарлик ишларини амалга оширишни тақозо этади. Шу маънода, жойларда референдум участкаларини жиҳозлаш, овоз бериш хоналари, кабиналари ва қутилари ҳамда бошқа ашёларни тайёрлаб қўйиш, овоз беришни ташкил этиш, овоз бериш тартибига риоя қилиш ва умуман, ватандошларимизнинг референдумда фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратиш борасида ҳар бир округ ва участкада кенг миқёсли амалий ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур сиёсий тадбирга ҳуқуқий жиҳатдан асос бўлиб хизмат қиладиган муҳим ҳужжат — янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун алоҳида китоб шаклида ўзбек, рус ва инглиз тилларида кўп минг нусхада нашр этилиб, барча округ ва участкаларга, бошқа мутасадди ташкилотларга етказилди. Бундан ташқари, парламент Раиси Э.Халиловнинг «Ўзбекистон Республикаси референдуми — миллий давлатчилик тараққиётининг муҳим босқичи» рисоласи ҳам ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди. Унда референдумга қўйилган масалалар батафсил шарҳланган. Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳамда референдумолди плакатлари ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида тарқатилди. Шубҳасизки, бу ишлар референдумга қўйилаётган масалалар мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ этишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Референдумни юқори савияда ўтказишда алоҳида аҳамият касб этадиган зарур ҳужжатлар ва иш қоғозлари — округ ва участка комиссиялари раисларининг гувоҳномалари, овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар учун мандатлар, таклифномалар ва бошқа зарур ҳужжатлар тайёрланди.

Референдумда овоз бериш бюллетенлари ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида тайёрланган бўлиб, белгиланган муддатда тегишли округ ва участкаларга етказиб берилади. Мазкур бюллетенларда референдумга қўйилаётган ҳар икки масала матнлари ва овоз берувчи хоҳиш-иродасининг вариантлари аниқ акс эттирилган.

Шу ўринда референдумга қўйилаётган биринчи масала — икки палатали парламент тузиш ғояси мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида илгари сурилганини эслатиб ўтиш жоиз. Юртбошимиз ташаббускори бўлган ана шу замонавий парламент ислоҳотчилиги ғоясини ҳаётга татбиқ этишни мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг ҳозирги босқичи тақозо қилмоқда. Шу боисдан ҳам, Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида икки палатали парламентни шакллантириш масаласи ҳокимият тармоқларини аниқ белгилаш асосида миллий давлатчилик институтларини янада мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқаётганига алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Зеро, парламентнинг икки палатали таркиби қонунлар яратиш жараёни сифатини янада яхшилаш, турли ижтимоий-сиёсий кучлар ва алоҳида ҳудудлар манфаатлари мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш борасидаги таклиф ҳам ана шу заруратдан келиб чиқади. Олий Мажлис сессиясида алоҳида эътибор қаратилганидек, бу ўринда гап, аввало, муайян шахсларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда фаолият юритадиган, жамиятимизнинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлайдиган самарали давлат бошқаруви тизимини ташкил этиш ҳақида бормоқда.

Референдум — умумхалқ маслаҳати, умумхалқ ишидир. Бу улуғвор иш учун ҳар биримиз масъулмиз. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги миллий давлатчилигимизни янада мустаҳкамлаш, демократия ва ҳуқуқни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш борасида муҳим аҳамиятга эгадир.

Албатта, тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда демократик принциплар асосида ўтказиладиган муҳим сиёсий тадбир — референдум ўзининг самарасини бериши шак-шубҳасиздир. Халқимиз бугун ана шундай залворли вазифаларни ҳал этиш арафасида турибди. Бу эса барчамиздан улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда ўз фуқаролик бурчимизни виждонан бажаришимизни талаб этади.

■ (ЎзА)

## ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

Республика Фанлар академиясида физика-математика ва техника фанлари йўналиши бўйича 2001 йилда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

— Илм билан шуғулланиш ҳар қандай тадқиқотчидан сабр, матонат ва тинимсиз изланишни талаб этади, — деди Физика-математика илмий тадқиқот институти директори Тўхтамурод Жўраев **«Туркистон-пресс»** мухбирига. — Ўтган йили мазкур фанлар йўналишида ишлаётган олимлар томонидан 1352 та илмий ишлар нашр қилинди, шунинг 129 таси МДҲ, 278 таси бошқа мамлакатлар нашрларида чоп этилди.

Т.Жўраевнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда институт олимлари 30 дан ортиқ магистр ва бакалаврлар билан иш олиб боришмоқда.

Математика ва техника фанлари бўйича изланаётган академия олимлари Англия, Франция, Германия, АҚШ, Италия каби давлатларда ҳамкасблари билан ҳамкорликда янги тадқиқотлар олиб боришмоқда.

— Ўтган йили 60 нафар мутахассисимиз чет элларда бўлишиб, уларнинг ишлари хорижда юқори баҳоланди. Биргина Физика-математика институтида 165 та илмий мақола тайёрланди, шундан 32 таси чет элларда эълон қилинди, — деди Т.Жўраев.

Шунингдек, йиғилишда Материалшунослик институти олимлари қандли диабет касаллигини даволашда, техник ва биологик объектларни стериллашда қўлланиладиган керамик инфрақизил нурлатгичларни ишлаб чиқилгани қайд этилди. Бу нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон бўйича муҳим аҳамият касб этади.

## BU DUNYONING ISHLARI

### «ТВ-6» ТИКЛАНИШИ МУМКИН



Россия Президенти Владимир Путин Парижда президент Жак Ширак билан бўлган учрашувда Россиянинг мустақил «ТВ-6» телеканалига оид қуйидаги фикрни айтди: «Ҳукумат «ТВ-6» жамоасини қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлардан фойдаланади».

Маълумки, яқинда Россия арбитраж суди «ТВ-6» каналини ёпиш хусусида қарор чиқарган эди. Ушбу қарорни телеканал раҳбари Евгений Кисилёв Россияда мустақил оммавий ахборот воситаларига қилинган тазйиқ сифатида баҳолаган. Мутахассисларнинг фикрича, ҳукумат раҳбарининг ушбу баёноти эндиликда телеканалнинг кейинги тақдирини аниқлашда ижобий аҳамият касб этиши мумкин.

### ЕТАКЧИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Фаластин ҳукумати Фаластин озодлиги халқ ҳаракатининг етакчиси генерал Аҳмад Саодатни қўлга олган. Саодатнинг Исроил вазири Рехавама Зевига уюштирилган қотилликни ташкил этганлиги тахмин қилинмоқда. Ҳозирча Саодат Рамаллоҳ шаҳри яқинида қамоқда ушлаб турилибди. Бироқ унинг Исроилга топширилиши ёки топширилмаслиги ҳақида бирон-бир маълумот йўқ.

«Мен бунга асло ишонмайман, — дея баёнот берган Исроил ҳукумати вакили Раанан Гисин бу хусусида. — Чунки, Фаластин ҳукумати бунга қадар Исроилни бир неча бор шундай аризалар билан алдаб келган».

### ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ



49 ёшли ирландиялик Пат Кокс Европа парламентига раис этиб сайланди. Сайлов сешанба куни Страсбургдаги парламент сессиясида бўлиб ўтди.

Коксга қадар бу лавозимни франциялик Никол Фонтэн банд этиб келаётган эди. Бу лавозимга Кокс билан биргаликда Франциядан 3 киши ва Шотландиядан бир киши ўз номзодларини қўйишган. Кокс энг кўп — 298 та овоз олишга муваффақ бўлган. Ундан кейинги ўринни 237 овоз билан шотланд Девид Мартин банд этган.

Сайловдан кейинги биринчи интервьюсида Кокс қуйидагиларни айтиб ўтди: «Мен бундан буён парламент ишида кескин ўзгаришлар бўлишига ишонаман. Биз кўпроқ сиёсий воқеаларда иштирок этишимиз зарур».

### АҚШ КАШМИР МУАММОСИГА ДАХЛСИЗ

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Ҳиндистон Покистон билан чегарадош ҳудудлардан ўз қўшинларини фақатгина икки мамлакат ўртасидаги сиёсий муаммолар ўз ечимини топгандан сўнггина олиб чиқиши мумкинлигини айтиб ўтди. Мутахассисларнинг фикрича, АҚШ давлат котибининг бу фикри Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг ҳафсаласини пир қилиши мумкин. Чунки, давлат котиби яна бир бор кескин эслатиб ўтган: «АҚШ Кашмир муаммосини ҳал этишда воситачилик қилмайди».

### ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Греция ҳукумати яқин икки-уч ҳафта ичида Афғонистонга 130 нафар ҳарбий хизматчилар жўнатишини айтиб ўтди. Мамлакат мудофаа вазири Янос Папандониу ушбу хизматчилар Афғонистонга жанг қилиш учун эмас, балки Афғонистон иқтисодини тиклашга кўмак сифатида жўнатилаётганлигини таъкидлаган. Ихтиёрий жангчилардан тузилган ушбу рота Афғонистонда уруш оқибатида вайрон қилинган йўлларни, кўприкларни ва бошқа маъмурий биноларни қайта тиклашда иштирок этади. Шунингдек, Греция Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами ортилган иккита С-130 транспорт самолётларини жўнатмоқчи.

### НАМОЙИШГА ҲОЗИРЛИК КЎРИШМОҚДА



Польша ҳукумати Россия Президенти Владимир Путиннинг ташрифи мобайнида мамлакатдаги «Озод Кавказ» қўмитасига чечен партизанлари манфаатларини ҳимояловчи турли митинглар ўтказишни тақиқлаб қўйди. Бироқ, ушбу тақиққа қарамасдан, қўмита фаоллари намойиш ўтказишга тайёргарликни бошлаб юборишган. Бундан ташқари, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, ушбу намойишларга Ичкерия Республикаси парламентининг раҳбари Сейлам Бешаев ҳам қатнашиши мумкин.

Россия Президентининг Польшага бўладиган ташрифи 17 январга мўлжалланган.

МУТАХАССИС ШАРҲИ

## ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ: ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ВА ТАЖРИБАСИ

**Мамлакатимизда икки палатали парламент ташкил этиш Президентимиз томонидан иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган эди. Иккинчи чақириқнинг еттинчи сессиясида эса бу масала бевосита кун тартибидан жой олди. Ва 27 январь куни ўтказиладиган референдумнинг асосий масалаларидан бирига айланди.**

**Шу муносабат билан икки палатали парламент тизими, унинг бошқа давлатлар парламентчилигидаги кўринишлари, қўшпалаталикнинг назарийёти ва амалиёти хусусида газетхонларни кўпроқ хабардор қилишни лозим топдик.**

Қонун чиқарувчи ҳокимият халқнинг олий идораси бўлгани ҳолда, бу тармоқдаги ислоҳотлар жамиятимиз тараққиётининг барча соҳаларидаги ислоҳотлар учун ҳам маёқ, ҳам ҳаракатлантирувчи мурват бўлмоғи кераклиги табиийдир. Бугун, қолаверса, эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, замонавий парламентга эга бўлиш бу жамиятимиз ҳаётида ғоят муҳим масала бўлган қонун ишлаб чиқаришдек жараённинг барча босқичлари ва тизимини ўзида акс эттирган мураккаб ҳодисадир. Жаҳон парламентларининг икки палатали тизимга ўтиши ҳам қонунчиликдаги янги сифат босқичи ҳисобланади.

Икки палатали тизимга қандай эҳтиёж борлиги, икки палата жорий этилгандан сўнг ҳал этилиши лозим бўлган назарий ва амалий муаммолар ҳақида фикр юритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунда парламентнинг ҳар икки палатаси орасидаги ўзаро муносабат, ўзаро мавқе ва ўзаро таъсир масаласи биринчи муаммо бўлса, иккинчи муаммо ҳар икки палатали ижроия ҳокимият бошлиғи — ҳукумат ва давлат раҳбари — Президентнинг муносабати ва таъсири масаласидир. Бу ҳар икки масалани ёритишда биз яна жаҳон амалиёти мисолларидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Икки палатали тизимга ўтиш зарурияти жамият тараққиёти талабларидан келиб чиқади. Чунки ўтиш даври аста-секинлик билан ортда қолмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда барқарорлик ва кенг кўламли ривожланиш босқичи қарор топмоқда. Эндиликда бизга ўтиш даври учун эмас, балки барқарор ривожланиш даври учун хос бўлган мукаммал қонунлар керак. Бундай қонунларнинг ҳаётий эканлиги эса парламентнинг ижодкорлик қобилияти ва салоҳиятига боғлиқ. Парламентнинг икки палатали тизими бу салоҳиятга замин яратади: қонунлар ишлаб чиқиш жараёнида палатalararo рақобатдошлик юзага келади, соғлом фикр мусобақаси томир отади. Парламентнинг юқори палатаси ўзига хос қонунчилик нозири вазифасини адо этиш билан бирга, жойлардан келган вакиллар орқали умуммиллий манфаатлар билан бирга маҳаллий манфаатларни ҳам ифода этади. Қуйи палата эса соф сиёсий кураш майдонига айланади. Турли вилоятларда бир хил таъсирга эга бўлмаган партиялар барча маҳаллий жамоалар манфаатларини ҳимоя қила олмаган ҳолда, жамиятнинг вертикал қатламлари — сиёсий қатламлар манфаатларини ифода этади. Бошқача айтганда, юқори палата кўпроқ ҳудудий, қуйи палата эса сиёсий мансублик белгилари асосида таркиб топади.

Маъмурий тузилиши федератив бўлган давлатларда бу ҳол яққол кўзга ташланади. Фақат федератив давлатларда бу ҳолат федерацияга аъзо давлатларнинг зарурий талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқса, унитар давлатларда эса аксинча, умуммиллий манфаатлар талабларидан келиб чиқади. Икки палата орасидаги рақобатдошлик муносабати эса, шубҳасиз, қонунлар сифатига ижобий таъсир этади.

### ПАЛАТАЛАР ОРАСИДАГИ МУНОСАБАТ

Палаталар орасидаги муносабат муайян мамлакат сиёсий ҳаётида у қадар муҳим омил ҳисобланмаса-да, парламентнинг қонун ишлаб чиқариш жараёнига ва унинг ижроий ҳокимиятга бўлган мавқеига етарли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг устига ҳар икки палатадаги партиявий мансублик ва фракциячиликнинг икки палата орасидаги муносабатга ҳам ўз ҳукмини ўтказиши хавфи жаҳон амалиётида қайд этиб турилади.



Шу ўринда, жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, кўп учрайдиган уч ҳолат ҳақида тўхталишимиз мумкин. Биринчиси, ҳар икки палатанинг тенг ҳуқуқли ва тенг ваколатли бўлиш ҳолатидир. Бу кўринишдаги парламент «рационаллаштирилган парламент» деб аталади. Бунинг ёрқин мисоли эса Италия Республикасидир. Парламентнинг ҳар икки палатаси 5 йил муддатга сайланади. Мамлакат конституциясининг 70-моддасига асосан улар «қонун чиқарувчи ҳокимиятни тенг амалга оширади». Энг муҳим қонун лойиҳалари бўйича тенг сонли қўшма комиссиялар тузилади ва улар орқали қонунлар қабул қилинади.

Бу кўринишдаги «ҳамкор палаталар» шакли Италияда ижобий самаралар берган. Кейинги ўн йилликларда мамлакатда қабул қилинган қонунларнинг тўртдан уч қисми ана шу тартибда ишлаб чиқилган.

Иккинчи кўриниш «тенг таъсир палаталар» шаклида бўлиб, Франция парламенти мисолида учрайди ва палаталар орасида муросасиз рақобат билан характерланади.

Парламентнинг қуйи палатаси Миллий Ассамблея 577 депутатдан ташкил топиб, умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва ҳукумат фаолиятини назорат қилади. Айни пайтда, ўзи ҳам давлат раҳбари Президент томонидан тарқатилиб юборилиши мумкин. Сенат эса юқори палата бўлиб, «тафаккур палатаси» деб ҳам аталади. Сенаторлар сони 321 нафар бўлиб, улар тўғридан-тўғри бўлмаган билвосита овоз бериш йўли билан, яъни икки босқичда сайловчилар коллежлари томонидан сайланадилар. 9 йил муддатга сайланган Сенат депутатларининг учдан бир қисми ҳар уч йилда янгиланиб турилади.

(Давоми 2-бетда)

## УЗОҚЛАРИ ЯҚИН БЎЛДИ

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича Амударё туманида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Қиличбой, Хитой, Қипчоқ каби ҳудудларда тиббий хизмат кўрсатишда овул шифокорлари ибрат бўлишмоқда. Яқинда «Дўстлик» ва «Тўлқин» ширкат хўжаликларида ҳам шифокорлик пунктлари фойдаланишга топширилди. Шифокорлик пунктлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Энди одамлар туман марказидаги касалхона ва поликлиникага бориш учун 14-16 километрлаб йўл босмайдиган бўлди.

— Шифокорлик пунктимиз салкам 5000 кишига хизмат кўрсатади, — дейди пункт мудири Ширин Нурманова. — Барча имкониятлар мавжуд. Дорихонамизда етарли дори-дармонлар бор. Тўрт шифокор, 20 нафар ҳамшира хизматда.

■ **Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ:

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ВА ТАЖРИБАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Миллий Ассамблеяга сайланиш ҳуқуқи 23 ёш билан белгиланган ҳолда, Сенатга сайланиш имконияти 35 ёш билан чегараланади. Сайловчиларнинг тўғридан-тўғри таъсиридан анча холи бўлган Сенат Президент томонидан ҳам тарқатиб юборилмайди. Айни пайтда, ҳукумат истеъфосини талаб ҳам эта олмайди.

Сенат қонунчилик ташаббусига эга бўлиб, қуйи палата тақдим этган қонун лойиҳаларини қайта кўриб чиқади ва ўзгартиришлар киритади. Эслатиб ўтиш жоизки, ҳар икки палата қонунчиликда тенг таъсирга эга. Шу туфайли, икки палата орасида амалда ижодий рақобат яққол кўзга ташланади ва бу «парламент наветлари» (мокиси, яъни қонун икки палата орасида у ёқдан бу ёққа бориб келади) деган шартли ибора билан номланади. Бунда уч ҳолат намоён бўлади.

**Биринчи ҳолат:** қонуннинг лойиҳа матни биринчи ўқишдан сўнг Миллий Ассамблея томонидан қабул қилинади ва Сенатга тақдим этилади. Сенат матнни ўзгаришсиз қабул қилади. Демак, қонун ҳар икки палата томонидан якдиллик билан қабул қилинади.

**Иккинчи ҳолат:** Миллий Ассамблея томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаси Сенат муҳокамасида маълум ўзгаришларга учрайди. Матн ўзгаришлари тасдиқ этилиши учун Миллий Ассамблеяга қайтарилади. Қуйи палата мазкур ўзгаришларни иккинчи ўқишда қабул қилади ва иккинчи марта Сенатга тақдим этади. Сенат ислоҳ қилинган қонун матнини қабул қилади. Бунда қонун иккинчи ўқишда «ўзаро келишув асосида» таҳрирланган ҳолатда қабул қилинади.

**Учинчи ҳолат** кам учрасада, ғоят қизиқарли ва ўзига хосдир. Бунда биринчи ўқишдан сўнг Сенатга юборилган қонун матни ўзгартиришлар билан қуйи палатага юборилади. Бу ўзгаришлар иккинчи ўқишдан кейин ҳам Миллий Ассамблея томонидан қабул қилинмайди ва Сенатга иккинчи марта тақдим этилади. Сенат ҳам ўз навбатида ўз «вето»сини ишга солади ва қонун матнини ўз таҳрири остида Ассамблеяга қайтаради. Шундан сўнг Бош вазир ташаббуси билан «яраштирувчи комиссия» тузилади. Тенг сонли қўшма комиссия палаталар орасидаги тортишувни ҳал этишга ҳаракат қилади. Акс ҳолда, Бош вазир мазкур комиссияни тарқатиб юборади ва қонун лойиҳаси қабул қилинмайди. Ана шундай ҳолатда, мамлакат ҳаётига тааллуқли муҳим масала қонун шаклида қабул қилинмаса, у ҳолда мазкур масала референдум орқали ҳал этилиши мумкин.

Франция парламенти палаталари орасида қонунчилик фаолиятида соҳалар бўйича айнан тақсимот йўқ. Шундай бўлса-да, нисбий маънода қуйи палата ижтимоий-иқтисодий, бюджет, маъмурий бошқарув соҳаларда кўпроқ ташаббус кўрсатса, юқори палата эса молия, бюджет назорати, мудофаа ва хавфсизлик жабҳаларида устувор мавқега эга.

**Учинчи кўринишдаги «устувор палата» шакли** Буюк Британия, Япония ва аксарият федерал тузилишдаги давлатларда учрайди. Бунда қуйи палатанинг қонунчиликдаги нисбий устунлиги таъминланади. Баъзан эса палаталарнинг бири фақат рамзий ифодага эга (Британияда Лордлар палатаси) ёки ваколатлари норасман чекланган бўлади. Иккинчи ҳолатга намуна сифатида Японияни келтириш мумкин.

Тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан қуйи — Вакиллар палатаси (512 нафар депутат) 4 йил муддатга, юқори — Маслаҳатчилар палатаси (252 та депутат) 6 йилга сайланадилар. Сиёсий ҳаётда Вакиллар палатаси етакчи ўрин эгаллайди: Бош вазир ва ҳукуматни тайинлайди, ҳукумат сиёсатини маъқуллайди ва Бош вазир ҳисоботини қабул қилади. Шунингдек, унинг етакчилиги қонунчиликда ҳам кўринади. Маслаҳатчилар палатасига тақдим этилган қонун лойиҳаси бўйича 60 кун ичида тасдиқ жавоби келмаган ҳолатда қонун юқори палата иштирокисиз қабул қилинади. Бюджет ва халқаро шартномаларни ратификация қилиш бўйича эса унга (юқори палатага) янада озроқ — 30 кун муҳлат берилади, холос. Шу тариқа муайян палатанинг устунлиги қарор топади.

Федерал тузилишдаги давлатлар одатда парламент умумфедерал манфаатларни ифодаловчи вакиллар палатаси ва федерацияга аъзо ўлка давлатлар манфаатларини ҳимоя қилувчи қуйи палатадан ташкил топади. Олмония палатаси бунинг ёрқин мисолидир. Бундестаг умуммиллий масалалар бўйича қонунчилик ташаббусида устувор бўлса, Бундесрат эса ўлка давлатлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя этишда етакчидир. Федерализм нуқтаи назаридан Бундестаг бир қатор устунликларга эга. Қонунчилик рақобатида унинг мутлақ устуворлиги мамлакат Конституциясининг 73-моддасига кўра давлат мудофааси, фуқаролар хавфсизлиги, ташқи сиёсат, паспорт ва визалар бериш соҳаларида мустаҳкамланган. Бироқ, Асосий қонуннинг 74-моддаси бу соҳаларда ҳам Бундесрат рақобатини инкор этмайди. 1992 йил Европа Иттифоқини таъсис этувчи Маастрихт шартномасидан сўнг ландерлар (ўлкалар) палатаси яна бир қатор янги ваколатларга эга бўлдилар ва нисбий маънода ҳамжамият ҳуқуқий муносабатларининг тўлақонли иштирокчисига айланиб бормоқдалар.

Ландерлар Бундесратлар орқали қабул қилинадиган қонунлар ишлаб чиқиш амалиётида қатнашадилар. Бундестагда қабул қилинаётган ландерлар ҳаётига оид қонунлар ўлкалар манфаатларига зид бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда Бундесрат ўз қаршилигини ҳимоя қилиши мумкин. Бошқа умуммиллий масалалар бўйича ҳам икки палата орасида келишмовчилик туғилган тақдирда палаталар вакилларидан иборат комиссия тузилади. Бундесрат қаршилиги билан бундай қўшма ҳайъатлар тузилмаган тақдирда, Бундестаг низоли қонун лойиҳаларини малакали (квалификацион) кўпчилик овоз бериш асосида Бундесрат қаршилигига қарамай қабул қила олади.

АҚШда Вакиллар палатаси ва Сенат қонунчиликда тенг мавқега эга. Тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланган федерал вакиллик — Сенат ҳарбий-сиёсий, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, уруш ҳаракатларини олиб бориш ва унга маблағ ажратиш, президент томонидан тайинланган мансабдор шахсларни тасдиқлаш каби ваколатларга эга. Президентга ишончсизлик — импичмент ҳам айнан Сенат томонидан берилади, бироқ бунинг учун қуйи вакиллар палатаси тақдимоти шартдир. Фуқаролик, бюджет, иқтисод ва бошқа масалаларда, чунончи, штатлар орасида ёки учинчи хорижий давлатлар билан тузиладиган иқтисодий битимларни тузишда Вакиллар палатасининг мавқеи етакчидир. Шундай бўлса-да, амалда мамлакат сиёсий ҳаётида Сенатнинг ҳуқуқлари кенгроқ эканлиги маълум.

Юқоридагилардан қисқа хулоса қилсак, икки палатали парламентларнинг қандай шаклда бўлишидан қатъи назар улар орасида нисбий «меҳнат тақсимоти» ва рақобат ёки ўзаро таъсир мавжудлигини таъкидлаш жоиздир. Зеро, ўзаро таъсирнинг у ёки бу кўринишининг шаклланиши ва намоён бўлиши жамиятнинг маълум сиёсий-тарихий ривожланиши ҳосиласидир.

### ПРЕЗИДЕНТ ВА ПАЛАТАЛАР

Гап амалда давлат раҳбари — Президент бошчилигидаги ижроий ҳокимиятнинг ҳар икки палатага нисбатан таъсири ва мавқеи хусусида бормоқда. Юқорида айтилганидек, Президентнинг палаталарга таъсири бирдек эмас. Палаталарнинг қайсидир бири ўз навбатида ўзининг қонунчилик фаолияти билан бирга қонун чиқарувчи ҳокимият ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида **вазминлаштирувчи**, айрим ҳолларда эса, ҳатто **мувофиқлаштирувчи** вазифани ҳам ўтайди. Бунда, ҳокимиятнинг икки тармоғи орасидаги муносабатнинг биринчиси соф муассасавий ўзаро таъсирда ўз ифодасини топса, иккинчи ҳолат эса нотенг муддатли ваколат мандатида ўз аксини кўради.

Биринчидан, жаҳон тажрибаларидан маълумки, ижроия ҳокимият бошлиғи — давлат ва ҳукумат раҳбарининг у ёки бу шаклдаги устувор мавқега интилиши ва унга нисбатан парламентнинг фаоллиги икки ҳокимият ўртасида ўзаро таъсирни мувозанатга солувчи механизмларни вужудга келтиради. **Ана шундай механизмлардан бири парламентнинг икки палатали бўлишлигидир.**



Ҳамма гап шундаки, давлат раҳбари Президентнинг парламентнинг ҳар икки палатасига нисбатан таъсир муносабати бирдек эмас. Буни бир қатор мисоллар орқали кўришимиз мумкин. Францияда Президент мамлакат Конституциясининг 12-моддасига асосан парламентнинг қуйи палатаси Миллий Ассамблеяни тарқатиб юбориши мумкин. Лекин юқори палата — Сенат бундай таъсирдан холидир. Айни пайтда, Сенат Президент томонидан тайинланган ҳукумат раҳбари — Бош вазир ва унинг аъзолари истеъфосини талаб қила олмайди. Бундай ҳуқуқ эса қуйи палатага тегишлидир. Мана шундай тарзда бироз мураккаб, лекин муқобил мувозанат қарор топади.

АҚШда эса аксинчароқ ҳолат мавжуд. Президент қуйи — Вакиллар палатасини тарқатиб юбора олмайди. Вакиллар палатаси ҳам Президентга тўғридан-тўғри истеъфо бериш — импичмент ҳуқуқига эга эмас. Бу ҳуқуқ одатда юқори палата — Сенатга тегишли бўлса-да, Сенат қарор чиқариши учун қуйи палата тақдимоти талаб қилинади.

Умумий назар ташлаганда, Президентлик бошқаруви мавжуд бўлган кўпгина давлатларда ўхшаш манзара яққол кўзга ташланади: Президент парламентни тарқатиб юбориши мумкин бўлгани ҳолда, парламент ҳам, кўпинча, унинг юқори палатаси Бош вазир ва ҳукумат, баъзи ҳолатларда эса Президент истеъфосини талаб қила олади. Шу тариқа, **палаталарнинг биттаси ижроия ҳокимият таъсирига нисбатан вазминлаштирувчи вазифани бажаради.**

Шу ўринда, мамлакатимизда жорий йилнинг 27 январида ўтказилаётган референдумда бирйўла икки саволнинг: икки палатали тизимга ўтиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатини 5 йилдан 7 йилга ўзгартириш масаласининг тенг қўйилаётганида ҳам ўзига хос мантиқ бор. Демак, шу муносабат билан икки ҳокимият орасидаги ўзаро таъсир мувозанати масаласи ҳам яна бир бор тафаккур таҳлилига ҳавола этилади.

Иккинчидан эса, парламент палаталарининг ваколат муддати ҳар хилдир. Яъни, ҳар икки палата ҳар хил овоз бериш йўли билан, қолаверса, бир неча босқичда сайланиши мумкин.

АҚШ вакиллар палатаси 4 йилга, Сенат эса 6 йилга сайланади (сенат депутатларининг учдан бир қисми ҳар икки йилда янгиланади). Францияда Миллий Ассамблея 5 йилга сайланган ҳолда, Сенат ваколати 9 йил мандат билан белгиланган (сенаторларнинг учдан бир қисми ҳар уч йилда янгиланади). Японияда қуйи вакиллар палатаси 4 йиллик ваколатга эга бўлса, юқори Маслаҳатчилар палатаси 6 йилга сайланади (депутатларнинг тенг ярми ҳар уч йилда янгиланади). Мисоллардан кўриниб турибдики, палаталарнинг ваколат муддатлари ўзаро фарқланади. Бундан иккита ижобий натижа келиб чиқади. Биринчиси, турли муддатга сайланган палаталар парламент фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайди: ҳар икки палатанинг ваколат муддати тенг тугаб қолмайди ва қисқа муддатли узилишларнинг олди олинади. Биринчи палатага сайловлар давом этаётган пайтда ёки янги сайланган палата тўла ишга тушиб кетгунга қадар иккинчи палата парламент фаолиятини бир хил маромда ишлашини таъминлайди. Иккинчи ижобий ҳолат шундан иборатки, парламент фаолиятининг бундай узлуксизлиги ва изчиллиги ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан доимий мувозанатни ҳам таъминлайди. Айниқса, сайловлар натижаси ўлароқ, палаталарнинг биридаги таркибий ўзгаришлар парламентнинг Президент бошлиқ ижроия ҳокимиятга нисбатан мавқе ёки муносабатида «туб ўзгаришлар»га олиб келмайди. Шу тариқа, ҳокимиятларнинг тармоқлараро мувофиқлашган барқарорлиги сақлаб қолинади.

**■ Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси**

### Муаллиф ҳақида:

*Ҳайдарали 1971 йил 13 январда Андижон вилоятининг Кўрғонтепа тумани Савай қишлоғида, чўпон оиласида туғилган.*

*Булоқбоши туманидаги 22-ўрта мактабда сабоқ олган.*

*1993 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг тарих факультетини имтиёзли дипломга тамомлагач, 1993-1997 йиллар мобайнида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Халқаро муносабатлар факультетида таълим олган. Айни шу йиллари Японияннинг У. Магасаки ва Франциянинг ADLF грантлари соҳиби бўлган.*

*1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти «Умид» жамғармаси танловларида муваффақиятли иштирок этиб, жамғарма гранти ғолиби бўлди ва «Халқаро сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар» йўналиши бўйича Франция олий ўқув юртларида ўқиш ҳуқуқини қўлга киритди. 1997-2000 йиллар давомида Франциянинг Нись шаҳрида София-Антиполис университети қошидаги Тинчлик ва тараққиёт ҳуқуқи илмий-тадқиқотчилик институтининг Халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ факультетида таҳсил олиб, «Европа Иттифоқининг Марказий Осиё республикалари билан муносабатлари» мавзуидаги магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва халқаро ҳуқуқ фанлари магистри унвонига сазовор бўлди. Шу билан бирга Европа Иттифоқи комиссияси, Европа Парламенти, Европа Иттифоқи Кенгаши каби Европа Иттифоқи ташкилоти муассасаларида (Брюссель, Бельгия), Европа ҳамжамиятлари Одил Суди (Люксембург), Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди (Страсбург, Франция), Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ва Қочоқлар масаласи бўйича Олий комиссарликларида (Женева, Швейцария) амалий машғулотлар ўтади.*




## НАЖОТ — «МУЗЛАТИЛГАН» ҲИСОБ-РАҚАМЛАРДАН

**БМТ маълумотига асосан Афғонистонда ўтиш даври ислоҳотларининг ўзига камида 100 миллион доллар миқдоридаги маблағ керак бўлар экан.**



Бу биринчи навбатда, янги ҳокимиятни шакллантириш, миллий қўшин, полиция, божхона тизимини яратиш ҳамда кўплаб янги иш жойларини барпо этиш учун зарурдир. Тўғри, жаҳон ҳамжамияти, жумладан, АҚШ Афғонистон халқига ҳозирги танг аҳволда кўплаб инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиб келмоқда. Аммо, «қўлдан берганга қуш тўймас» деган нақл бор. Хўш, айни пайтда Афғонистон учун зарур бўлган бундай улкан маблағни топишнинг бошқа манбалари борми?

АҚШ экспертларининг ҳисоб-китобларига қараганда, аксилтеррорчилик операциялари пайтида Афғонистоннинг АҚШ банкларидаги «музлатилган» ҳисоб рақамлари қайтадан очилса, янги ҳукуматга 221 миллион доллар миқдоридаги маблағни қайтариб олиш имконияти туғиларди. Афғонистон Марказий банки шу масала бўйича расмий Вашингтонга ёзма равишда мурожаат қилган.

Reuters агентлигининг хабар қилишича, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг жума куни ўтказиладиган йиғилишида, толибонлар ҳукмронлиги пайтида Афғонистонга қўлланилган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш тўғрисидаги резолюция қабул қилиниши кутилмоқда. Шунингдек, АҚШ ҳам 1999 йили Афғонистоннинг Ariana Afgan Airlines авиакомпаниясига қарши қўлланилган тақиқни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча резолюция қабул қилишни ҳам таклиф этмоқда. Ўз пайтида АҚШ томонидан ушбу авиакомпанияга тегишли 23 миллион доллар маблағ ҳам ёпиб қўйилган эди. Агар, Афғонистон муваққат ҳукумати юқоридаги маблағларни қайтариб олиш масаласини ҳал қила олсалар, мамлакатда ислоҳотлар жараёни жадаллашган бўлар эди.

## РОССИЯ: НАРХЛАР КЎТАРИЛДИ



Бу ерда 15 январдан бошлаб, темир йўл транспортида йўловчиларни ташиш хизмати нархлари 30 фоизга ошди.

Маълумотларга қараганда, Санкт-Петербургдан Москвагача бўлган масофада: плацкарт учун — 233, кўрсатиладиган хизматга қараб, алоҳида бўлма — 409-968, икки кишилик бўлмалар — 1250-1804 рубль қилиб белгиланган. Йўл йиғмаси 25 рубль. Темирйўл вокзалида йўловчиларга кўрсатиладиган барча хизматлар нархи ҳам шунча фоизга кўтарилган.

20 январдан бошлаб эса темир йўлда юк ташиш нархлари ҳам тарифга мос ҳолда 14 фоизга кўтарилади.

Темир йўл транспортида йўловчилар ва юк ташиш нархлари тарифларининг бундай ошиши ҳукуматнинг 9 январдаги йиғилишида кўриб чиқилган эди.

## ҲАММАСИ КРЕДИТГА БОҒЛИҚ



Аргентинада вазият тобора оғирлашмоқда. Молиявий инқирозни бошидан кечираётган мамлакат аҳолиси озиқ-овқат, тиббий дори-дармонлар ва шу каби кундалик эҳтиёж учун зарур нарсаларнинг етишмовчилигидан қийналишмоқда. Кеча, Президент Эдуардо Дуальде телевидение орқали халққа мурожаат қилар экан, мамлакат бошдан кечираётган ҳозирги танг аҳволда аҳолини бирдамликка чақирди. Пойтахт Буэнос-Айрес кўчаларида эса ишсизларнинг намойиши ҳамон давом этмоқда.

Иқтисодиёт вазири Хорхе Тодеска Аргентина ва Халқаро Валюта Фонди ўртасидаги молиявий муносабатларнинг кескинлигини танқид остига олиб ўтар экан, нажот фақат Фонд ажратадиган кредитга боғлиқлигини яна бир бор таъкидлади. Вазирнинг маълумот беришича, мамлакат оёққа туриб олиши учун камида 20 миллиард доллар маблағ керак бўлади.

## ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ЭНГ ИШОНЧЛИ ДАВЛАТ

2001 йил якунларига асосан Хитой бўлиб чиқди. Ҳа, Хитой чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича жаҳонда энг юқори кўрсаткичга эришган. Бу ҳақда куни кеча Xinhua ҳукумат ахборот агентлиги, мамлакат ташқи савдо вазирлиги маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Унга кўра, 2001 йилда Хитой халқ хўжалигига жами 47 миллиард долларлик хориж сармояси олиб кирилган. Бу олдинги йилга нисбатан 15 фоиз кўп демакдир.

## ФАҚАТ БОЙЛАР УЧУН

**Уяли телефонлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринда турадиган Финляндиянинг Nokia концерни ўзининг янги шўъба компаниясини ташкил қилди.**



Компанияда Vertu номи билан фақат бойларгагина мўлжалланган қўл телефонлари ишлаб чиқарилади. Шунинг учун ҳам ушбу телефон қисмлари энг қимматбаҳо материаллар асосида тайёрланиб, уларнинг ҳар бири қўлда йиғилади. Гарчи компаниянинг фаолияти шу йил 21 январдан бошланиши режалаштирилган бўлса-да, ҳозирданоқ Европа мамлакатларида унинг «Vertu — фақат бой одамлар учун» деган рекламаларини кўплаб учратиш мумкин.

**Internet хабарлари асосида Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади**

### ХДП ХАБАРЛАРИ

# ШУ КУНЛАРДА

ХДП Хоразм вилоят кенгаши ижроия бюросининг партиядан вилоят Кенгашига сайланган депутатлар иштирокидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, Хива педагогика коллежи директори З. Кўчқоровнинг ўз депутатлик вазифаларини бажариш амалиёти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Йиғилиш қарорида З. Кўчқоров ўз депутатлик фаолиятини бажаришга сидқидилдан ёндошаётганлиги, сайловчилар ҳузурида тез-тез бўлиб, Олий Мажлис, ҳукумат қарорларини аҳолига етказиш борасида ибратли ишлар олиб бораётганлиги таъкидланди. Унинг ташаббуси билан коллеж талабалари орасида Ўзбекистон Конституциясини мукаммал ўрганиш ташкил қилинган. Шунингдек, депутат кам даромадли оилалар, ногиронлар, етим-есирларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида юзага келган айрим муаммоларни тезкор ҳал этишда маҳалла кенгашлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

ХДП Хива туман кенгаши депутатнинг жамоатчилик қабулхонаси ишини ташкил қилиш, унинг ўз сайловчилари билан учрашувларни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

✧ ✧ ✧

Шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котибларининг ХДП Бухоро вилоят кенгашида бўлиб ўтган йиғилишида партия ташкилотларининг 2002 йил 27 январь куни бўладиган умумхалқ Референдумини ўтказишдаги вазифалари масаласи кўриб чиқилди.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Қамаши туман марказий шифохонаси бош шифокори А. Ғафуровнинг ўз сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда депутат мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, умумхалқ Референдумини ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусида сўзлади ва сайловчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

✧ ✧ ✧

ХДП Наманган вилоят кенгаши Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказиш ва унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларида фаол қатнашмоқда. Вилоят партия кенгаши ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳлари барча туманларда мулоқот, «давра суҳбат»лари, учрашувлар ўтказмоқда.

✧ ✧ ✧

Умумхалқ Референдумига тайёргарлик масалалари партия Норин туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котиблари йиғилишида ҳам муҳокама қилинди.

✧ ✧ ✧

ХДП Чортоқ туман кенгашида депутатлар гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси якунларига бағишланган масала муҳокама этилди ҳамда 2002 йил 27 январда бўлиб ўтадиган Референдумда партия фаоллари, депутатларнинг иштироки бўйича аниқ ишлар белгиланди.

✧ ✧ ✧

ХДП Янгиер шаҳар кенгаши иккинчи чақириқ Олий Мажлис еттинчи сессияси қарорларини ўрганиш юзасидан тезкор тарғибот-ташвиқот гуруҳини ташкил этди. Тарғибот гуруҳи шаҳарда мавжуд 16 та сайлов участкаларида «2002 йил 27 январь куни — умумхалқ Референдуми» мавзуида «давра суҳбат»лари, савол-жавоб кечалари, мулоқотлар уюштирмоқда.

Янгиер шаҳар халқ таълими бўлими, академик лицей, тиббиёт билим юрти, ҳисоб-қурилиш коллежида, ХДП Янгиер шаҳар кенгаши ташаббуси билан, ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Учкўприк туман партия кенгашининг пленумида «Оналар ва болалар йили»да бошланғич партия ташкилотларининг амалий ҳаракатлари натижалари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

✧ ✧ ✧

ХДП Уйчи туман партия кенгаши «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда «2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили» мавзуида «давра суҳбати»ни ташкил этди.

✧ ✧ ✧

Партия Тўрақўрғон туман кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамда туман касаба уюшмалари қўмиталари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга бағишланган мулоқот ўтказди.

✧ ✧ ✧

Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ХДП Норин туман кенгаши томонидан ўтказилган семинарида партиянинг «Экологик дастури» юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди.

✧ ✧ ✧

ХДП Пахтаобод туман кенгаши «Пахтаобод» ширкат хўжалигида «Парламент ислоҳоти — Ўзбекистонда демократия тараққиётининг янги босқичи» мавзуида мулоқот ўтказди. Унда ХДП Пахтаобод туман кенгашининг котиби Х.Аҳмаджонова парламент ислоҳотининг моҳияти тўғрисида батафсил тушунча берди.

✧ ✧ ✧

ХДП Сирдарё вилоят кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар клуби ўзининг навбатдаги кўчма машғулотини Гулистон тиббиёт билим юрти талабалари билан ўтказди. Машғулотда мазкур билим юрти директори Й. Каримов «Миллий истиқлол ғояси» мавзуида маъруза қилди.

✧ ✧ ✧

ХДП Чортоқ туман кенгаши ҳузуридаги «Ёшлар клуби» ташаббуси билан тумандаги касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ўтказилди. Танлов совриндори — маиший хизмат коллежи талабаларига партия туман кенгаши ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг совғалари топширилди.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Меҳнатобод туман кенгаши туман ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда Ховос туманида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг ўн йиллигига бағишланган учрашув ташкил қилди. Байрам йиғилишида ХДП Меҳнатобод туман кенгаши биринчи котиби Б.Ҳакимов Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишда миллий армиямизнинг ўрни тўғрисида гапирди.

✧ ✧ ✧

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига ХДПдан сайланган депутат, «Косон ёғ-экстракция» очиқ ҳиссадорлик жамияти цех бошлиғи Ш. Ўринов кам таъминланган оилалар фарзандларига дарслик китобларини совға қилди.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Чуст туман кенгаши 250 нафар турли соҳалар бўйича изланаётган илғор ёшлар учун янги йил байрам тадбирини ташкил этишда бош-қош бўлди.

✧ ✧ ✧

ХДП Жомбой туман кенгаши ташаббуси билан «Силк-стар» қўшма корхонаси, «Фармасам СО. ЛТД», «Вторма», «Ҳосилот» кичик корхоналари, «Матбуот тарқатиш агентлиги», «Уюшма аудит» аудиторлик фирмаси, «Интизор-Д», «Мангу», «Шуҳрат» фирмалари ва «Субоқова» ташкилоти касаба уюшма қўмитаси ҳомийлигида 140 нафар мактаб ўқувчиларининг Тошкент шаҳрига саёҳати уюштирилди.

**■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## КЎНГИЛЛАРНИ ОБОД ЭТИБ

*Янги йилнинг сурурбахш кайфияти юртдошларимиз руҳиятини ҳануз тарк этгани йўқ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг маданият марказида ўтказилган хурсандчиликни фикримизга мисол тариқасида таъкидлаб ўтмоқчимиз.*

*Хуллас, бу ерда пойтахтимиздаги 23-меҳрибонлик уйи ва ногиронлар клуби тарбияланувчилари учун арча байрами ўтказилди. Театрлаштирилган томошалар, арча атрофидаги ўйинлар билан биргаликда болажонларга ширинликлар тортилди. «Қор маликаси» танлови эса тадбирнинг янада қизиқарли ўтишида асосий сабаблардан бири бўлди.*

*— Меҳр-муруввватли халқмиз, — дейди тадбирга ҳомийлик қилган «Гули-Инте» фирмаси бош директори Гулчеҳра Юсупова. — Шу маънода имконияти бор юртдошларимиз саховатпешаликни дастур қилиб олсалар, миллатнинг маънавиятига ҳисса қўшган бўлур эдилар.*

*Мазкур тадбирда таниқли санъаткорлар билан биргаликда бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари ҳам иштирок этишди. Байрам сўнггида болажонларга совғалар улашилди.*

**■ ШОҲИСЛОМБЕК**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

# ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

## БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**БИРЖА САВДОЛАРИ ҲАФТАНИНГ ҲАР ЧОРШАНБА ВА ЖУМА КУНЛАРИ СОАТ 11 00 ДА РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАР МАРКАЗИ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

## БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

### БИРИНЧИ НАВБАТДА ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА ТЎЛИҚ СОТИЛАДИГАН ҚУЙИДАГИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ГАЗ БИЛАН ТЎЛДИРИШ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯЛАРИ ВА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Гулбаҳор қўрғонида жойлашган, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 285 865,4 АҚШ доллари.**

2. Андижон шаҳри, Кумакай қўрғонида жойлашган, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 360 072,4 АҚШ доллари.**

3. Навоий шаҳри, «Навоийазот» химия комбинатининг саноат зонасида жойлашган, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 335 666,3 АҚШ доллари.**

4. Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, Ўриксор даҳасида жойлашган, 1- сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 313 448,8 АҚШ доллари.**

5.Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Геофизика қўрғонида жойлашган, 2- сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 400 309,2 АҚШ доллари.**

6. Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида жойлашган, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 296 666,5 АҚШ доллари.**

7. Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси 10-мавзеда жойлашган, 4-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 381 250,8 АҚШ доллари.**

8. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Байтқўрғон қўрғонида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 234 174,9 АҚШ доллари.**

9. Фарғона шаҳри, Қува шоссесида жойлашган, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси— 286 724,1 АҚШ доллари.**

10. Қарши шаҳри, Бешкент шоссесида жойлашган, 1-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 251 783,6 АҚШ доллари.**

11. Қарши шаҳрида жойлашган, 2-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 247 064,2 АҚШ доллари.**

12. Сурхондарё вилояти, Шеробод шаҳри, Қодиров номидаги жамоа хўжалигида жойлашган, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 306 267,6 АҚШ доллари.**

13. Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот шаҳри, С.Ермагамбетова кўчасида жойлашган, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 285 555,4 АҚШ доллари.**

14. Андижон шаҳри, Шимолий саноат ҳудудида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 245 118,4 АҚШ доллари.**

15. Қарши шаҳри, Бешкент шоссесида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 81 121,5 АҚШ доллари.**

16. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 115 591,0 АҚШ доллари.**

17. Бухоро шаҳри, Бухоро — Когон автомобиль йўлида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 78 199,8 АҚШ доллари.**

18. Қашқадарё вилояти, Ғузор шаҳри, Охунбобоев кўчасида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 311 468,8 АҚШ доллари.**

19. Самарқанд шаҳри, Гулбоғ қўрғонида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 240 690,9 АҚШ доллари.**

20. Бухоро шаҳри, Бухоро — Когон автомобиль йўлида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 300 109,0 АҚШ доллари.**

21. Термиз шаҳри, «Намуна» жамоа хўжалигида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 203 265,6 АҚШ доллари.**

22. Урганч шаҳри, Ғайбу қўрғонида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 327 050,0 АҚШ доллари.**

23. Наманган шаҳри, Янгиқўрғон кўчасида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 345 112,4 АҚШ доллари.**

24. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 25-уйда жойлашган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясига қарашли «Стомполиклиника» биноси ва мулки.

**Бошланғич баҳоси — 300 000 АҚШ доллари.**

25. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган «Хўжакент» пансионати.

**Бошланғич баҳоси —1 042 500 АҚШ доллари**

26. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТашТЭС микрорайонида жойлашган «Ўзбекэнерго» ДАКнинг Тошкент ГЭСига қарашли «Энергетик» маданият саройи.

**Бошланғич баҳоси — 203 224,0 АҚШ доллари.**

27.Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 4-уйда жойлашган «Ўзбектрансстрой» ассоциациясига қарашли «Касб-ҳунар мактаби» мулкий мажмуаси.

**Бошланғич баҳоси — 511 696 АҚШ доллари.**

28. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 80-уйда жойлашган «Шифокор-МК» меҳмонхона мажмуаси.

**Бошланғич баҳоси — 2 004 000 АҚШ доллари.**

29.Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 21-уйда жойлашган «Қизил тонг» акциядорлик жамиятига қарашли Профилакторий биноси (мол-мулки билан).

**Бошланғич баҳоси — 380 000 АҚШ доллари.**

30.Тошкент шаҳар, А.Қодирий кўчаси 1-уйда жойлашган «Турон» меҳмонхонаси.

**Бошланғич баҳоси —1 664 700 АҚШ доллари.**

31.Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, «Водник» мавзесида жойлашган 124-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 257 899,0 АҚШ доллари.**

32. Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 33-«А» уйда жойлашган «Мухтасар» МЧЖ (Дорихона) Низом жамғармасининг давлатга тегишли 15 фоизи.

**Бошланғич баҳоси — 5000,0 АҚШ доллари.**

33.Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Шоҳимардон фуқаролар йиғини, Ёрдон қишлоғида жойлашган Фарғона «Азот» кимёвий заводига қарашли «Горный» болалар дам олиш маскани (асосий воситалари билан).

**Бошланғич баҳоси — 44 709 АҚШ доллари.**

34.Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Шоҳимардон фуқаролар йиғини, Шоҳимардон қишлоғида жойлашган Фарғона «Азот» кимёвий заводига қарашли «Шоҳимардон» дам олиш маскани.

**Бошланғич баҳоси — 39 125 АҚШ доллари.**

### ШУНИНГДЕК, БИРИНЧИ НАВБАТДА ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА СОТИЛАДИГАН ҚУЙИДАГИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ГАЗ БИЛАН ТЎЛДИРИШ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯЛАРИ УСТАВ ЖАМҒАРМАСИНИНГ 75 ФОИЗИ:

1. Олмалиқ шаҳри, Бўстон қўрғонида жойлашган, «Олмалиқ» автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси— 259 334,0 АҚШ доллари.**

2. Бухоро шаҳри, Газли шоссесида жойлашган, Бухоро 2-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси— 217 032,0 АҚШ доллари.**

3. Нукус шаҳри, Нукус — Тўрткўл автомагистралида жойлашган, «Нукус» автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 117 258,0 АҚШ доллари.**

4. Питнак шаҳри, Урганч — Тошкент автомагистралида жойлашган, «Питнак» автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 175 940,0 АҚШ доллари.**

5. Муборак шаҳри, «Шарқ-Промзона» кўчасида жойлашган, «Муборак» автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 98 112,0 АҚШ доллари.**

6. Бекобод шаҳри, «Сирдарё» кўчасида жойлашган, «Бекобод» автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 272 223,0 АҚШ доллари.**

7. Денов шаҳри, Р. Узоқова кўчасида жойлашган, «Денов» автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

**Бошланғич баҳоси — 239 658,0 АҚШ доллари.**

### ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН, «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» КОРПОРАЦИЯСИГА ҚАРАШЛИ БИРИНЧИ НАВБАТДА ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА СОТИЛАДИГАН ҚУЙИДАГИ КИЧИК КОРХОНАЛАР УСТАВ ЖАМҒАРМАСИНИНГ 90 ФОИЗИ:

1. Юнусобод тумани, Олой бозорида жойлашган «Олой нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 482 000 АҚШ доллари.**

(Корхонанинг мажбуриятлари — 59 393 000 сўм)

2. Маннон Уйғур кўчаси, 555-«А» уйда жойлашган, «Бешқайрағоч-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 506 000 АҚШ доллари.**

(Корхонанинг мажбуриятлари—30 179 000 сўм.)

3. Маннон Уйғур кўчаси, 143-уйда жойлашган, «Кўкча-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 702 000 АҚШ доллари.**

(Корхонанинг мажбуриятлари — 27 099 000 сўм)

4. А. Икромов тумани, Чилонзор — 14 мавзеси, 25-«А» уйда жойлашган «Боғистон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 700 000 АҚШ доллари.**

(Корхонанинг мажбуриятлари — 82 136 000 сўм)

5. Қушбеги кўчаси 1-«А» уйда жойлашган «Қушбеги-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 564 000 АҚШ доллари.**

(Корхонанинг мажбуриятлари — 17 840 000 сўм)

6. Шайхонтоҳур тумани, «Самарқанд дарвоза» кўчаси, 166-уйда жойлашган, «Самарқанд дарвоза-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 425 000 АҚШ доллари.**

(Корхонанинг мажбуриятлари—53 985 000 сўм)

7. Бектемир тумани, Ҳ. Бойқаро кўчасида жойлашган, «Бек-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 387 000 АҚШ доллари.**

(Корхонанинг мажбуриятлари — 14 484 000 сўм)

8. М. Улуғбек тумани, «Буюк ипак йўли» кўчаси, 69-уйда жойлашган «Ипак йўли» («Шифобахш-нон») кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 317 000 АҚШ доллари.**

(Корхонанинг мажбуриятлари — 122 580 000 сўм)

9. Чилонзор тумани, «Беш-ёғоч» бозорида жойлашган, «М-Бек» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси —101 000 АҚШ доллари.**

(Корхонанинг мажбуриятлари — 10 096 000 сўм)

10. Ҳамза тумани, «Слоним» кўчаси, 113-уйда жойлашган, «Савоб-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 62 000 АҚШ доллари.**

(Корхонанинг мажбуриятлари йўқ)

***Изоҳ:** (барча корхоналар мажбуриятлари 2001 йил 1 январь баланс ҳолати бўйича ҳисобланган)*

### МИЛЛИЙ ВАЛЮТАГА СОТИЛАДИГАН КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ:

1.Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзаев кўчаси, 35-уйда жойлашган 36-сонли дорихона.

**Бошланғич баҳоси —10 000 000 сўм.**

2.Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Толариқ кўчаси, 3-уйда жойлашган 147-сонли дорихона.

**Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.**

3.Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 6-уйда жойлашган «ТПОО-1» ОАЖ балансидаги, давлат мулки — Чойхона («Ветерок» павильони) биноси (мулклари билан биргаликда).

**Бошланғич баҳоси —1 615 000 сўм.**

4. Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 17-уйда жойлашган Давлат архитектура қўмитасига қарашли Асос, фундамент ва ер ости қурилмалари илмий изланиш лойиҳа-технология институти низом жамғармасининг 65 фоизи.

**Бошланғич баҳоси — 4 443 200 сўм.**

5. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, «Паркент» кўчаси, 331-уйда жойлашган Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 600 ўринга мўлжалланган ётоқхона биноси. Умумий майдони хўжалик қисми билан бирга — 7953,2 кв.м.

**Бошланғич баҳоси — 56 290 700 сўм.**

6. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Заргарлик» кўчаси, 26-уйда жойлашган «Тошкент-сут» ҲЖ га қарашли объектлар:

а) Профилакторий биноси.

**Бошланғич баҳоси — 16 079075 сўм.**

б) Чойхона биноси.

**Бошланғич баҳоси — 6 406088 сўм.**

в)1-ишлаб чиқариш майдонида жойлашган ошхона биноси.

**Бошланғич баҳоси — 4 574 838 сўм.**

7. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-«А» уйда жойлашган «Кафолат-нашр» МЧЖ. Низом жамғармасининг давлатга тегишли 25 фоизи.

**Бошланғич баҳоси — 9 000 000 сўм.**

8. Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, 1-Питомли муюлиши, 18-«А» уйда жойлашган «Темирйўлфармация» МЧЖ Низом жамғармасининг давлатга тегишли 75,25 фоизи.

**Бошланғич баҳоси—80 000 000 сўм.**

9.Тошкент шаҳри, «Бирлашган» кўчаси, 1-уйда жойлашган қурилиши тугалланмаган жарроҳлик мажмуасининг каркас биноси. Умумий майдони 3375 кв.м.

**Бошланғич баҳоси —142 011 000 сўм.**

10. Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 25-уйда жойлашган 1-сонли 4 қаватли ётоқхона биноси. Умумий майдони 3421 кв.м.

**Бошланғич баҳоси —90 006 000 сўм.**

11. Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 29-уйда жойлашган 23-сонли, 9 қаватли ётоқхона биноси. Умумий майдони 2810 кв.м.

**Бошланғич баҳоси —108 000 000 сўм.**

12. Тошкент шаҳри, «Ц-13» даҳаси, 36-уйда жойлашган 30-сонли 9 қаватли ётоқхона биноси. Умумий майдони 2903 кв.м.

**Бошланғич баҳоси —160 000 000 сўм.**

13. Тошкент шаҳри, Михаил Ан кўчаси, 9-уйда жойлашган 9-сонли 2 қаватли ётоқхона биноси. Умумий майдони 779 кв.м.

**Бошланғич баҳоси —14 000 000 сўм.**

14. Тошкент шаҳри, Михаил Ан кўчаси, 6-уйда жойлашган 9-сонли 2 қаватли ётоқхона биноси. Умумий майдони 779 кв.м.

**Бошланғич баҳоси —14 500 000 сўм.**

15. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М. Ҳасанова кўчаси, 1-берк кўча, 1-уйда жойлашган собиқ болалар поликлиникаси биноси. Умумий майдони 450,1 кв.м.

**Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.**

16. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, «Сафдош» кўчаси, 4-уйда жойлашган, Яккасарой туман халқ таълими бўлимига қарашли 427-сонли болалар боғчаси (асосий воситалари билан).

**Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.**

17. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган, Яккасарой туман халқ таълими бўлимига қарашли 264-сонли болалар боғчаси.

**Бошланғич баҳоси — 7 439 849 сўм.**

18. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 405-уйда жойлашган, Миробод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 164-сонли болалар боғчаси (асосий воситалари билан).

**Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.**

19. Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Намуна кўчасида жойлашган «Нон-паста» ҲЖ га қарашли 7-сонли ишлаб чиқариш цехи.

**Бошланғич баҳоси — 27 145 582 сўм.**

20. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган «Кўмир» ОАЖ га қарашли «Горняк» санаторий-профилакторийси.

**Бошланғич баҳоси —121 706 500 сўм.**

21. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Абай ширкат хўжалигида жойлашган «Нон-паста» ҲЖ га қарашли ёрдамчи хўжалик.

**Бошланғич баҳоси — 27 055 406 сўм.**

22. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Янги Чиноз» қишлоғида жойлашган Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Чиноз» пансионати.

**Бошланғич баҳоси — 44 029 500 сўм.**

23. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосов кўчаси, 1-уйда жойлашган «Бекободгўшт» АЖ қошидаги Гўшт маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш бўйича воситачилик жамиятининг мол-мулклари, асбоб-ускуналари ва иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.**

24. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбоши қўрғонида жойлашган «Toshkent lok bo'yoq zavodi» ОАЖ га қарашли дам олиш маскани.

**Бошланғич баҳоси —10 000 000 сўм.**

### «ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ «АММОФОС» ИЧБга ҚАРАШЛИ ОБЪЕКТЛАР:

25.Олмалиқ шаҳар, Амир Темур кўчасида жойлашган «Химик» маданият саройи.

**Бошланғич баҳоси —107 997 200 сўм.**

26. Олмалиқ шаҳар, Амир Темур кўчасида жойлашган «Кимёгар» меҳмонхонаси.

**Бошланғич баҳоси —100 000 000 сўм.**

27. Олмалиқ шаҳар, Амир Темур кўчасида жойлашган профилакторий.

**Бошланғич баҳоси — 73 573 000 сўм.**

28. Сирдарё вилояти, Ховос станциясидаги «Хлебопекарня» ишлаб чиқариш савдо корхонаси.

**Бошланғич баҳоси —15 000 000 сўм.**

29.Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида жойлашган «Ўзгўштмахсустранс» уюшмасига қарашли «Саломат» дам олиш маскани.

**Бошланғич баҳоси —16 173 000 сўм.**

30. Фарғона шаҳри, Навоий кўчаси, 75-уйда жойлашган Фарғона механика заводига қарашли қурилиши тугалланмаган 8-сонли 16 хонадонли яшаш уйи. Умумий майдони 559 кв.м.

**Бошланғич баҳоси — 8 000 000 сўм.**

31. Фарғона шаҳри, «Герцен-А» кўчаси, 2-уйда жойлашган Фарғона механика заводига қарашли қурилиши тугалланмаган 720 ўринга мўлжалланган ўқув муассасаси биноси. Умумий майдони 10 334,7 кв.м.

**Бошланғич баҳоси —70 000 000 сўм.**

32. Фарғона шаҳри, Навоий кўчаси, 73-уйда жойлашган Фарғона механика заводига қарашли қурилиши тугалланмаган 7-сонли 16 хонадонли яшаш уйи. Умумий майдони 976 кв.м.

**Бошланғич баҳоси —14 000 000 сўм.**

33. Фарғона шаҳри, Навоий кўчаси, 70-«А» уйда жойлашган Фарғона механика заводига қарашли 400 ўринли 4 қаватли ётоқхона биноси.

**Бошланғич баҳоси —38 300 000 сўм.**

34. Фарғона шаҳри, «Герцен-А» кўчаси, 2-уйда жойлашган Фарғона механика заводига қарашли қурилиши тугалланмаган 41-сонли корпус (3 та бино). 3 та бинонинг умумий майдони 14 698 кв.м.

**Бошланғич баҳоси —147 000 000 сўм.**

35. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида жойлашган «ЎзГИИТИ» ОАЖга қарашли Қарши партиясининг Самарқанд филиали биноси.

**Бошланғич баҳоси —10 000 000 сўм.**

### ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАГА ТЕГИШЛИ ОБЪЕКТЛАР:

**Андижон вилояти:**

1. Жалолқудуқ тумани марказида жойлашган Жалолқудуқ МТПга қарашли қурилиши тугалланмаган дўкон биноси. Ушбу иншоотнинг қурилиши 1991 йилда бошланган, томи ёпилган. Майдони 396 $м^2$.

**Бошланғич баҳоси—6 126 324 сўм.**

**Самарқанд вилояти:**

1.Сиёб тумани, Фарҳод қўрғонида жойлашган «19-ХАТП» ОАЖга қарашли, 80 ўринга мўлжалланган профилакторий биноси. Ушбу бино 1 қаватли. Темир-бетондан қурилган, майдони 1500 $м^2$.

**Бошланғич баҳоси—7 285 100 сўм.**

2.Самарқанд шаҳри, А. Рўдакий кўчаси, 179-уйда жойлашган «9-ХАТП» ОАЖга қарашли ошхона биноси. Ушбу бино 1 қаватли, 1989 йилда қурилган, майдони 234 $м^2$.

**Бошланғич баҳоси — 5 437 300 сўм.**

3. Каттақўрғон шаҳри, Умар Хайём кўчаси, 7-уйда жойлашган, 112-КМК ОАЖнинг Каттақўрғон бўлими. Ушбу маъмурий бино 2 қаватли, майдони 151 $м^2$, ёрдамчи биноси 1 қаватли, майдони 687,7 $м^2$. 1974 йилда қурилган. Ҳовлиси 1 га.

**Бошланғич баҳоси — 6 343 700 сўм.**

4.Самарқанд шаҳри, Сиёб тумани «Фарҳод» қўрғонида жойлашган Насос кучлантириш заводининг мулкий мажмуаси: бинолари, иншоотлари, автотранспорт воситалари.

**Бошланғич баҳоси —169 620 600 сўм.**

### АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ:

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли автотранспорт воситалари:**

1. ГАЗ-3102 русумли, давлат рақами 10 AG 556, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 1 250 000 сўм.**

2. УАЗ-469 Б русумли, давлат рақами 10 AG 051, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 935 000 сўм.**

3. УАЗ-452 русумли, давлат рақами 10 AE 758, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 1 006 500 сўм.**

4. ГАЗ-5202 русумли, давлат рақами 10 AE 740, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 400 000 сўм.**

5. ЗИЛ-431410 русумли, давлат рақами 10 AE 762, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 3 540 000 сўм.**

6. ЗИЛ-130 русумли, давлат рақами 10 AE 764, 1979 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 2 654 000 сўм.**

7. ЛАЗ русумли, давлат рақами 10 AJ 389, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 1 063 000 сўм.**

8. ОДАЗ-93571 русумли, давлат рақами 10 А 382 бўлган тиркама.

**Бошланғич баҳоси — 101 000 сўм.**

9. ЗИЛ-130 — ДММ34502 русумли, давлат рақами 10 AE 763, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 2 655 000 сўм.**

10. УАЗ-31512 русумли, давлат рақами 10 AG 036, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 946 435 сўм.**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли:**

«ДЭУ–Суперсалон» русумли, давлат рақами 10 AR 780, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 13 750 000 сўм.**

**«Ўзбек ипаги» бирлашмасига қарашли:**

1. КАВЗ-3270 русумли, давлат рақами 05-70 ТНБ, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 2 746 400 сўм.**

2. УАЗ-3303-01 русумли, давлат рақами 85-25 ТНМ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 179 200 сўм.**

3. ЗИЛ-ММЗ-45021 русумли, давлат рақами 51-08 ТНМ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 1 107 300 сўм.**

4. ЛАЗ-697 «Р» русумли, давлат рақами 10 AC 917, 1980 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 3 633 500 сўм.**

5. ПАЗ-672 русумли, давлат рақами 01-77 ТНП, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 2 112 500 сўм.**

**Республика лойиҳа-қидирув агрокимё станциясига қарашли:**

КАВЗ (автобус) русумли, давлат рақами 40-54 ТША, 1981 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 700 000 сўм.**

**«Тошкент» меҳмонхонасига қарашли:**

ИЖ-2715 русумли, давлат рақами 04-91 ТНИ, 1981 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 181 000 сўм.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**

Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**

136-26-26, 136-28-75
Факс: 136-06-17
www. uzrkmb. com

**Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, барча юридик ва жисмоний шахслардан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.**

*Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг.*

**Сиз қўшимча маълумот учун республика Кўчмас мулк биржасининг объектлар жойлашган вилоят филиалларига ҳам мурожаат қилишларингиз мумкин.**

**РКМБНИНГ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ:**

1.Қорақалпоғистон Республикаси: (361) 224-03-03, 222-84-44;
2. Андижон вилояти: (3742) 24-36-88, 24-37-86;
3. Бухоро вилояти: (36522) 3-71-30, 3-71-36;
4. Жиззах вилояти: (37222) 6-05-72, 6-44-16;
5. Қашқадарё вилояти: (37522) 5-16-84, 5-15-96;
6. Навоий вилояти: (43622) 4-15-61;
7. Наманган вилояти: (36922) 6-77-91, 6-67-41, 6-37-79;
8. Самарқанд вилояти: (3662) 34-64-43, 34-01-11;
9. Сурхондарё вилояти: (37622) 3-00-25, 3-51-43;
10. Сирдарё вилояти: (3672) 27-77-42, 27-77-43;
11. Тошкент вилояти: (371) 133-28-52, 132-00-37, 133-77-18;
12. Фарғона вилояти: (37322) 4-68-72, 4-68-70, 4-68-69;
13. Хоразм вилояти: (36222) 6-32-63, 6-34-66;
14. Тошкент шаҳри (371) 144 -71-78, 144-44-73, 144-44-72.

# INTER-SPORT

## «ҚУРУҒИ»НИ ТАЛАБ ҚИЛИШДИ



Маълумки, шанба куни футбол бўйича «Африка кубоги» учун мусобақалар бошланиши лозим. Ана шу учрашувлар олдидан Либерия терма жамоаси футболчилари: «Агар ҳар биримизга 15 минг доллардан ҳақ тўланмаса, мусобақада иштирок этишдан бош тортамиз», деб аҳд қилишди. Айни пайтда мазкур жамоада менежерлик қилаётган Либерия собиқ футболчиси Жорж Веанинг фикрига қараганда, футболчилар 24 соат ичида ана шу маблағни топишни федерациядан талаб этишган. Веа футболчиларни инсофга чақириб, уларни олти ярим минг доллар билан кифояланишга даъват этди. Ўйинчилар эса ҳатто Веа 1994 йилда «энг яхши футболчи» деб эътироф этилишига қарамай, унинг сўзига қулоқ солишни исташмади. «15 минг катта маблағ, — дейди Веа, — ўйинчилар бундай сармояни сўрашларига ҳеч қандай асос йўқ. Зеро, улар истаклари қондирилмаса, юкларини йиғиштириб уйларига равона бўлишар экан».

Либерия терма жамоаси дастлабки учрашувни Малида майдон эгаларига қарши ўтказиши лозим.

## КАФЕЛЬНИКОВ ИЛДАМЛАМОҚДА



Теннис бўйича Австралия очиқ чемпионати мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Зеро, кўпчилик умид боғлаган кучли ўйинчилар дастлабки учрашувлардаёқ имкониятларини бой бериб, мутахассисларни ҳайратга солишаяпти. Эркаклар ўртасида ҳозирча 3 нафар кучли теннисчи ана шундай аҳволга тушган бўлса, аёллардан Мари Пирс, Серена Уильямс ҳамда мухлислар ёқтирадиган Анна Курниковалар ҳам курашни давом эттиришдан маҳрум бўлишди.

Таниқли теннисчи Евгений Кафельников барча қийинчиликларни бартараф этиб, ҳозирча халқаро турнирнинг пешқадами бўлиб қолди. Агар унинг омади чопса, ҳал қилувчи учрашувда юртдоши Марат Сафин билан майдонга тушиши мумкин. Австралиялик мухлисларни эса Лейтон Хьюиттнинг испаниялик Альберто Мартинга 6:1, 1:6, 6:7, 6:4 ҳисобида ютқазиши қийин аҳволда қолдирди. Боиси, 20 ёшли бу теннисчи бош совринга асосий даъвогарлардан саналарди.

Балки, Хьюитт бир ярим ҳафта илгари сачратқи (ветрянка) дардига мубтало бўлгани ва яхши тузалмай туриб майдонга тушгани унинг шашти пасайишига сабаб бўлгандир.

## ЖАРИМА — ЎН БЕШ МИНГ ДОЛЛАР



Баскетбол миллий ассоциацияси жамоаларидан бири «Лос-Анжелес Лейкерс» ўйинчиси Шакил Онил «Чикаго Буллз» жамоаси билан учрашув чоғида йўл қўйган қўполлиги учун уч ўйинда қатнашмаслик билан жазоланди ва жарима учун 15 минг доллар тўлайдиган бўлди. Шунингдек, ана шу жанжалга сабаб бўлганлардан «Чикаго Буллз» ҳужумчиси Чарльз Окли икки ўйинга четлаштирилиб, 10 минг доллар, унинг жамоадоши Брэд Миллер бир ўйинга четлаштирилиб, 7,5 минг доллар жарима тўлайди.

## ҚИЗИҚҚОН ЎҒРИЛАР



Яқинда муомалага чиқарилган евро нафақат банклар ё жамоатчиликни, балки ўғриларни ҳам қизиқтириб қўйди. Яқинда Берлин шаҳрида евро ташиётган инкассатор автомобилини ўғрилар тунади. Тўрт нафар қуролланган ўғри икки автомобилда инкассатор машинасининг йўлини тўсиб, унга ўқ узди. Иложсиз қолган қўриқчилар сейфларнинг эшигини очиб беришга мажбур бўлди. Жиноятчилар пул солинган бир неча қопни олиб кўздан йўқолди.

ОВЧИ ДАФТАРИДАН

# БИР ГУРУНГДА

Тоғ ўзининг кўп қиррали гўзаллигини бир кунлик меҳмону саёҳатчиларга кўрсатмайди. Бунинг учун беш-олти кун яйраб юриш, юлдузли кечалару гулханнинг ёниб битган чўғларига маҳлиё бўлиш, ҳамсуҳбатингиз билан гурунглашиб, сойнинг алладек сеҳрли шилдирашига қулоқ солиш керак. Чодирда сархуш тин олиш, тонг қаршилаб, юзқўлни муздек чашма сувига пишиш, кул босган гулханга арча игналаридан ташлаб гуриллатиш, қумғонингиз вақирлагунча қояларaро кўтарилаётган қуёшни чорлаб сайраётган какликлар «мажлиси»ни кузатиш ила виқорли тоғлар залворини ҳис этиш мумкин... Ана шундай дақиқаларда кўркамлик, улуғворлик, қорли чўққиларнинг қуёш тиғида товланиши дилларга жо бўлади, ўзингизни тоғ боласидек сезасиз.

Бир қизиқарли суҳбат ёдимга келади. Чилла совуғида чўян печкани қизартириб, арчанинг гуриллаб ёниши-ю ёқимли ҳидига маҳлиё бўлиб ўтирган отахонлар ёшлик чоғларидаги қизиқ воқеалару саргузаштлари ҳақида гурунглашарди. Агар ёш ўтганда ёнбошлаб, ўтган кунлар эсланса, бу — қарилик белгиси, борди-ю эзгу ниятлар қилинса, бу — кўнгилнинг ёшлигидан далолат. Норқул ва Шерқул исмли оқсоқоллар ҳаммани ўзларига қаратиб ўтиришарди. Улар довруқ таратган полвонлардан. Полвон беллашуви ҳақидаги гаплар улоқ билан боғлиқ воқеаларга уланиб кетди. Фақат мезбон Бегимқул бобо бир бурчакда гапга аралашмай, жимгина ўтирарди. 97 баҳорни қаршилаган, юзини босволди қовуннинг тўрларидек ажин қоплаган бу отахон ҳеч нарсага қизиқмай қўйгандай кўринарди.

Гап каклик овига бориб тақалди. Шунда Бегимқул бобо ҳам сал тетиклангандай ростланиб, суҳбатга қўшилди. У қирқ йил аввал Мадамин мерган билан каклик овига боргани, тоғда тунаб қолгани ва гулхан атрофида каклик шўрва ичгани ҳақида завқ билан ҳикоя қилди. «Ҳали ҳам ўша шўрванинг таъми оғзимда», деб қўйди. Кейин Шерқул ота ҳам ёшликда тоғлар кезгани, қирадирлар ҳавосининг мусаффолигини таърифлай кетди. «Бундай ҳаво булоқ суви сипқоришдек гап», дея завқланди. Яна кимдир қўнғирбош ва ирхон ўсган яйловларда яйраган бияларнинг қимизидан тотиб кўрганлиги, унинг таъсир-қувватидан арча тагида, тоғ шабадасида «миқ» этмай ухлаганини хотирлади.

Шуни айтадиларда ёшликда кўрган-завқланган қолади деб. Хотиротни ажиб воқеалар, саъй-ҳаракатлар билан бойитиш, савобли ишларга қўл уриш кексайганда хаёлан ёшликка қайтиш, яна бир-бир энтикиб ҳаяжонланиш кўнгилдаги эзгуликка эпкин бераверади. Дунёда яхшилик қолади, дейишнинг боиси ҳам шунда. Тоғ кўркамлиги ҳақида кўпроқ тўхталишимиз ҳам бежиз эмас. Чунки табиатни севган, асраган, ўз уйим деб билган инсон қалбида ватанпарварлик ҳисси кўпроқ жўш уради. Зеро, одамнинг кимлигини у яшаган йиллар эмас, умр мазмуни белгилайди.

■ Ғофур ЖЎРАЕВ

## АЁЛ ЛИБОСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛАР



Байрут полицияси эркаклар аёллар либосини кийиб ижро этишган фильмларни, жумладан, машҳур «Жазда фақат аёллар» фильмини ҳам телеэкранларда қўйилишини тақиқлаш таклифи билан чиқишмоқда. Сабаби, бу ерда кейинги вақтда содир этилаётган ўғирликлар, ҳатто йирик жиноятлар ҳам айнан аёллар либосидаги эркаклар томонидан содир этилмоқда. Уларнинг фикрича, бундай фильмлар жиноятчиларга ниқобланишнинг турли йўлларини кўрсатиб беради.

# «ЗАМОНАВИЙ ОТЕЛЛО»

## ЁКИ ЎЗИМИЗНИНГ ТИЛЛО АКА

(ҳажвия)

*Кино ва телевизорга ўрганиб қолган Тилло ака ҳеч ҳафсаласиз, ноилож театрга борадиган бўлди. Уйда номигагина «Театрга бормайсанми?» — деган эди, «йўқ» жавобини олиб хурсанд бўлиб кетди. Ҳарқалай, бироз бўлса ҳам харажат камроқ бўлгани яхши бўлади.*

*Театрда «Отелло» спектакли қўйилаётган экан. Театрдан Тилло ака оғир кайфиятда, миясида не-не ёмон фикрлар билан уйига қайтди. Қаранг-а, важоҳатга тўла эри сўраб-суриштирмай ўз хотинини аллақандай рўмолча учун саҳнада, ҳамманинг кўз олдида бўғиб ўлдирди-я! Номард!*

*Спектакль таассуротида кўчада келаётган Тилло аканинг миясига бирданига оғир хаёл келиб, ўзи ҳам ундан сесканиб кетди. «Йўқ», — деди у ўз-ўзига, «бўлиши мумкин эмас». Хаёлига мактабда бирга ўқиган, ҳозир эса ён қўшни бўлиб қолган Ёдгор келиб қолди. Бу чаласавод Ёдгор мактабни зўрға битириб армиядан кейин тадбиркор бўлиб олиб, босар-тусарини билмай, арақхўр, хотинбоз бўлиб қолганини бутун маҳалла билади. Яқинда, ишдан келаётганда, эшик олдида хотинининг Ёдгор билан гаплашиб турганини кўриб:*

*— «Дилноза, яна бир маротаба Ёдгор билан гаплашсанг каллангни оламан», — деган эди.*

*— «Вой, дадаси! Ёдгор ака катта ўғлингизни сўраб келган эди. Мен чиқиб «у уйда йўқ» деяётган эдим, холос. Сиз келиб қолдингиз», деган хотинининг гапларини эслаб саҳна кўз олдига келди ва бирданига миясига қон урди. «Бу ерда бир гап бор!!!» деган хаёл билан Тилло ака уйининг эшигини тақиллатди.*

*Шайтонлар елкасига минган, рашк ўтида қовурилаётган Тилло ака жанжални нимадан бошлашни билмай бирданига:*

*— Сенга икки йил олдин туғилган кунингга олиб берган сариқ гулли рўмол қани? — деб юборди.*

*Хотини бирданига эсанкираб, кўнгли нималардандир хавотир олгандай:*

*— Қанақа сариқ рўмол? Нима бало, тушингизга кирдими? Айттим-а, шу «Отелло» бир балони қўзғайди, — деб.*

*— Икки йил олдин ипподромда бирга олган эдик. Туғилган кунингга! Ҳаммага кўрсатиб мақтанган эдинг. Эсингдан чиқдими?!*

*— Ҳа... у рўмолми? Рўмол эмас рўмолча-ю.*

*— Рўмолча!!! — деб қичқирди Тилло ака ва унинг овози худди Отеллонинг овозидай важоҳат билан чиқди.*

*Қўрқиб кетган Дилноза: «Уни сандиққа солиб қўйувдим... Ҳозир... Қизим учун ишлатармиз деб ният қилувдим...» деди титроқ овоз билан.*

*«Ҳе, сенинг ниятинг қурсин! Кўрсат рўмолчани!» деб сандиқни тепа бошлади Тилло ака.*

*Саросимага тушган Дилноза сандиқнинг калити қаердалигини-ю, сандиқда эри сўраган рўмолча борлигига ўзи ҳам ишонмай қўрққанидан нима қилишини билмай у ёқдан-бу ёққа беихтиёр юра бошлади.*

*— Биламан! — деди Тилло ака, — сен рўмолчани Ёдгорга бергансан!!! Ўша Ёдгор! Эсингдами, сен саккизинчи синфдалигингда орқангдан юргани, мен сенга уйлангандан кейин армиядан келиб атайлаб ёнимиздаги ҳовлига кўчиб келган. Биламан! Ҳаммасини биламан! М...м..м! Рўмолчани топ, бўлмаса бурда-бурда қиламан! Рўмолча! Рўмолча қани!*

*Худди боягина кўрган спектаклнинг финал қисми Тилло аканинг ҳаракатида қайтарилди.*

*— Билмайман, — деди Дилноза, — нима бало урди сизни, дадаси, тўрт фарзанднинг отаси бўла туриб мен ҳақимда шундай ўйласангиз, вой шўрим! Яхшиям болалар уйда йўқ.*

*— Тушунарли, — демак сен билмайсан! Лекин мана мен биламан! Сен аниқ ўшанга бергансан! Тўғрисини айт!*

*— Эй худо! Ўзинг кечир мени. Майли, тўғрисини айтсам Ёдгорга бердим, — деди қалтираган овоз ва титраган оёқларда зўрға турган Дилноза.*

*— М...м...м! Шунақами?! Энди мен ўз қўлларим билан сени бўғиб ўлдираман! Ўлдирама-а-ан!!!*

*— Мен... мен... — Тилло акасининг кучли қўлларига зўрға қаршилик қилаётган Дилноза, — мен уни совға қилиб эмас ноилождан бердим, — деб юборди.*

*— Қанақа ноилождан, — деб кўзига қон қуйилган Тилло ака кучли қўллари билан қаттиқроқ сиқа бошлади.*

*— Эй худо! Менинг гуноҳим йўқ сизнинг олдингизда... болаларим олдида бегуноҳман... туҳмат қил... манг... Худо бор-ку ахир.. Ёрдам берингла...р, — борган сайин овозининг кучи пасайганидан ва Дилнозанинг қўлларидаги қаршилик сусая борганидан Тилло ака қўрқиб кетди. Боягина Отелло Дездемонани бўғаётганда раҳми келиб туриб «Эй ноинсоф! Ўзингнинг бегуноҳ хотинингни нимага бўғасан, демоқчи бўлгани эсига тушиб кетиб, бирданига «Нима қилаяпман ўзи? Ахир бу ўттиз йил бирга менинг иссиқ-совуғимга қараб юрган хотиним-ку» деган фикр келиб қолди.*

*— Майли, — деди у қўлларини хотинининг бўйнидан олиб, — ўтган ишга саловат. Фақат тўғрисини айт, қачон Ёдгорга рўмолчани бердинг?»*

*Дилноза ҳали ҳам нафаси қайтиб эрини таниб-танимай, қутилганига ишонмай: «У куни... қуриб кетгур ..Исми гўрда чиригур... маст ҳолда... кўчада нариги томонда ётган экан. Катта ўғлингиз кўрибди. Унинг.. исми қурғурнинг боши ёрилган экан. Кимдир урибди, шекилли...*

*— Ҳа, у Ёдгор ўзининг ўлими билан ўлмайди, — деб қўшиб қўйди Тилло ака.*

*— Ўғлингиз «ая бирон нарса беринг бошини боғлайлик» деган эди, ҳеч нарса тополмай шу ювиб қўйган рўмолни дордан олиб бериб юборувдим. Ҳамма гап шу. Ишонмасангиз ана ўғлингиздан сўранг, — деди бироз ўзига келган Дилноза.*

*— Бўпти, хотин, — нима дейишни билмай кечирим сўрагандай, — яхшиям калима келтирдинг, бўлмаса бегуноҳ ўлиб кетардинг, — деб қўйди Тилло ака. Хотинимни ўз қўлим билан ўлдириб қўйишимга оз қолди-я, деб ўзини ўзи тергаб қўйгандай бўлди.*

■ Баҳодир УМУРЗОҚОВ



«КИМ КЕЛЯПТИ?..»

## ЧИЯЛИЙНИНГ «ХУСУСИЙ» АТАМАЛАРИ

| Русча | Ўзбекча негизи маъноси (Чиялий таъбири бўйича) |
|---|---|
| Азимут | Азим (улкан) ўт |
| Академик | Ака демак |
| Аккумулятор | Оқ қум элаётир |
| Буксир | Букилган сир |
| Достоевский | Тўйдаги дўст |
| ГорСЭС | Гўрдаги сэс — (гўрдага товуш) |
| Изловить | Излов (изловчи) ит |
| Икона | Икки она |
| Калькулятор | Кал кулаётир |
| Компьютер | Кам путур (хатоси кам) |
| Курьер | Кўр ер |
| Моряк | Бир илон |
| Моховой | Мохов ой |
| Обой | У бой |
| Обойма | У бойми? |
| Править | Ҳақ ит |
| Правота | Ҳақ ота |
| Самоволка | Ўзи урғочи бўри |
| Тяга | Туяга |
| У нас | У наҳс (палакат) |
| Яхта | Музда, совуқда |

■ Чиялийнинг мирзаси Қилич НУРМУҲАММАД қоғозга туширди

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги М. Ҳасанова номли 144-ўрта мактаб томонидан Тўлаганова Дилноза Рихсивоевна номига 1993 йилда берилган АУ № 324346 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Москва давлат тарих музейида илк маротаба «Қарталар тарихи» номли кўргазма бўлиб ўтди. Кўргазмада узоқ ўтмишдан буён сақланиб келаётган турли халқлар маданиятига оид 300 дан ортиқ қарта доналари намойиш этилди. Кўргазма мухлислари, биз ҳозир фақат кўнгилочар ўйин сифатида биладиган қарталар — қадимда санъат асари сифатида тушунилгани ҳатто маданий алоқалар воситаси каби вазифаларни бажарганлигини англашди.

Қуйида кўргазмада намойиш этилган турли даврларга оид қарта доналари билан танишишингиз мумкин.



1645 й. Франция императорлигига тегишли қарта доналари



1820 й. Австрия, ўйин қарталари



XIX аср. Рус бошоратчиларининг қарталари



Француз аслзодаси Ленорман хонимнинг фолбинлик қарталари. У ўз пайтида Наполеоннинг келажак тўғрисидаги башоратчиси бўлган.



1830-1840 й.й. Немислар кўнгилочар ўйинларда фойдаланган қарта доналари



Қадим инглиз қарталари.

# КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

— Халойиқ ёрдам беринг! Орқамдан кимдир қувиб келаяпти! У жинни ё ўта маст! — ҳаллослаганича милициянинг олдига югуриб келди бир аёл.

— Ёки кўзи ожиздир... Унга бошдан-оёқ разм солиб жавоб берди милиционер.

✧✧✧

— Сизни судга ким олиб келди?

— Икки милиционер.

— Буни сизсиз ҳам биламан. Балким яна мастдирсиз?

— Тўппа-тўғри. Иккови ҳам ғирт маст эди...

✧✧✧

Катта йўлда автофалокат юз берди. Мажағланиб кетган машина остидан учта ғирт маст йигитларни амаллаб чиқариб олдилар.

— Машинани ким бошқараётган эди? — сўради йўл назорати ходими.

— Ҳеч ким, — деди жабрланганлардан бири.

— Ҳаммамиз орқа ўриндиқда ўтирган эдик.



Ширин уйқу

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi óʻrinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir órinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir órinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Toʻlepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy OʻMAR oʻgʻli

MUASSIS:
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOʻLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOʻCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «Ózbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon koʻchasi, 41-uy.

Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qómitasida 00004-raqam bilan róyxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ózbekiston ovozi» materiallarini koʻchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA